

XXI АСР ЎЗБЕК МОДАСИ: АНЪАНА ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ



Хаитова З.

К.Бехзод номидаги МРДИ институти “Либос дизайни”
кафедраси мудири

Абдуллаева Ф.

К.Бехзод номидаги МРДИ институти “Либос дизайни”
кафедраси

ўқитувчиси с.ф.ф.д. (PhD)

fotima_asadiy@mail.ru

Рашидов А.

К.Бехзод номидаги МРДИ институти “Либос дизайни”
кафедраси доценти

Файзуллаева М.

К.Бехзод номидаги МРДИ институти “Либос дизайни”
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ўзбекистонда мода соҳасининг “дизайн” қонуниятлари асосида шакллантирилган янги даври мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошланган десак муболаға бўлмайди. Хусусан, мазкур даврларда юртимиз мода соҳаси ривожига кенг имкониятлар очилди. Мақолада XXI аср ўзбек модасининг анъана ва замонавий тенденциялар интеграцияси асосидаги ривожланиш жараёнлари таҳлили олиб борилган.

Калит сўзлар: мода, либос дизайни, мода индустрияси, костюм лойиҳалаш, дизайн-лойиҳалаш, либос лойиҳалаш жараёнларининг анъанавий ва инновацион методлари

Аннотация: Без преувеличения можно сказать, что в первые годы независимости в Узбекистане началась новая эра модной индустрии, сформированная на основе законов «дизайн проектирование». Именно в эти годы открылись широкие возможности для развития индустрии моды в нашей стране. В статье анализируются процессы развития моды Узбекистана XXI века на основе интеграции традиций и современных тенденций.

Ключевые слова: мода, дизайн одежды, индустрия моды, дизайн костюма, дизайн-проектирование, традиционные и инновационные методы проектирования одежды

Abstract: It is no exaggeration to say that in the first years of independence, a new era of the fashion industry began in Uzbekistan, formed on the basis of the laws of "design design". It was during these years that broad opportunities for the development of the fashion industry in our country opened up. The article analyzes the development processes of fashion in Uzbekistan in the 21st century based on the integration of traditions and modern trends.

Keywords: fashion, clothing design, fashion industry, costume design, design design, traditional and innovative methods of clothing design

КИРИШ

Дунёдаги ижтимоий-маданий муносабатлардаги кескинлашув мавжудлиги, бугунги кунда мода индустрияси соҳасида аксинча, либосларнинг устувор ахлоқийлик тамойиллари кесимидаги шакл ва моҳияти ўзаро мувофиқлигини талаб этмоқда. Соҳанинг бадиий-ижодий ва технологик аспекти ривожига мазкур тамойилларнинг костюм лойиҳалашдаги анъанавий ва инновацион методлари билан интеграцияси муҳим аҳамият касб этмоқда. Мода саноатининг замонавий модага хос маҳсулотларни дизайн-лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва

тарғибот қилиш ҳамда, сотиш билан шуғуullanувчи соҳа эканлиги, унинг жамият ижтимоий ҳаётининг долзарб йўналишлари қаторида бўлишига хизмат қилиб келмоқда.

Жаҳон модаси, шу қатори юртимизда ҳам: “1890-йиллардан то 1960-йилларгача модага хос либос ва аксессуарларни ишлаб чиқарувчи кичик бизнес секторининг босқичма-босқич оммавий ишлаб чиқариш тизимига айланиши натижасида – маҳсулотларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, сотиш ва фойдаланиш ва унга ёндошган секторларни қамраб олувчи соҳа вужудга келиши таъминланади. Мазкур жараёнлардаги эътиборли воқеълик - мода иқтисодиётини “от кутюр” ва “прет-а-порте” маҳсулотлари сифатида вужудга келиши бўлганлигини қайд этиш жоиз”. [1]

Эътиборлиси, Ўзбекистонда XX асрда ривож топган мода соҳасининг собиқ иттифок даври мобайнидаги “дизайн” атамасининг синоними - “техника эстетикаси” нуқтаи назаридан шаклланган амалий жараёнлари ва ютуқлари маҳоратли конструктор, либос ва аксессуарлар бўйича рассомлар ҳамда технологлар фаолиятларининг самараси дейиш мумкин. Ўзбекистонда 1999-йилдан “Либос дизайни” ихтисослиги бўйича таълим жараёнларини йўлга қўйилиши юқорида таъкидланган амалий фаолиятларнинг “Дизайн” соҳаси (дизайн – инг. design – чизма, лойиҳа, тасвир – бадий лойиҳалаш фаолияти, фойдаланиш учун қулай бўлган маҳсулотларнинг эстетик жиҳатдан ёқимли шаклини уйғунликда яратишни кўзда тутди) [2] ўзига хосликлари асосида ривожланишига замин яратган.

А.Грашин таъкидлашича: “Либос дизайни соҳасини “дизайн-лойиҳалаш” (лойиҳалаштирилган объектнинг барча ижтимоий зарурий хусусиятларининг яхлит тузилиши ва комбинацияси) фаолият тури сифатида тадқиқ этиш қўйидагиларга асосланади: “Унинг предмети ва вазифаларининг диалектик алоқасини икки аспект доирасида кўриш мумкин: *эстетик* (гўзаллик) - бадий жиҳатдан мутаносиб бўлган уйғунликка эришишга бўлган талаб; ва *утилитар (функционал)* - барча мавжуд амалий турмуш тарзи талабларига жавоб бера олиш” [3]. Муаллиф шунингдек, дизайн аспекти фаолият доирасидаги талабларни қўйидагича таснифлайди:

Биринчи аспект, объектда гўзалликни ярата олиш, ўзида:

- ижобий эмоционал кайфият ҳосил қилиш; эстетик уйғунликни шакллантириш; бадий жиҳатдан мутаносиб образ яратиш; ассоциатив белгиларни намойиш этиш жиҳатларини қамраб олади.

Иккинчи аспект, (фойдалилик) объектнинг фойдаланишга қулайлигини шакллантириш, ўзида:

- либос конструкциясининг мукамал намунасини яратиш; технологик мақсадга мувофиқлигини шакллантириш; иқтисодий самарадорлигига эришиш; эргономик қулайлик ҳосил қилиш каби талабларни ўз ичига олади.

Мода соҳасида либос яратиш жараёнларига қўйиладиган ушбу талабларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда либос дизайнерлари босқичма - босқич амалга ошириладиган илмий-иждоий ва амалий фаолиятларни асосида олиб бормоқдалар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистонда мода соҳасининг “дизайн” қонуниятлари асосида шакллантирилган янги даври мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошланган десак муболаға бўлмайди. Хусусан, мазкур даврларда юртимиз мода соҳаси ривожига кенг имкониятлар очилди. Бу даврда барча соҳаларда мамлакатимиз ўзининг мустақил сиёсатини олиб бора олиш имкониятига эга бўлиши, турли жабҳаларда жаҳон халқлари билан ўзаро сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий алоқаларни йўлга қўйилиши жараёнлари халқимиз онгидан унутилаёзган миллий

меросимизни тиклаш доирасида бошланган давлат сиёсати билан ҳамоҳанг ҳолда кечганлигини қайд этиш лозим.

Табиийки, юқорида таъкидлаб ўтилган ютуқлар мустақил юртимиз модасининг замон талабларига мос ҳолда қайтадан шакллантирилиши ва ёш дизайнерлар ижодида асосий тенденция сифатида замонавий услуб ва услубий йўналишларга хос костюм шакллариининг ўзбек миллий костюм анъаналари асосидаги лойиҳаларини яратиш ҳисобланганлигини қайд этиш лозим.

Юқоридаги фикрларга қўшимча тарзда, XXI асрда Ўзбекистонда либос дизайни соҳаси ривожига аҳамиятли бўлган воқеъликлар бир биридан фарқ қилувчи ўзига хос шаклланиш босқичларига эга бўлганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан:

Биринчи босқич 2000-2009-йй. Ўзбекистонда XX аср охири ва XXI аср бошларида дизайн соҳаларига кўрсатилган эътибор доирасида 1999-йилдан бошлаб Олий ва ўрта махсус таълим тизимларида “Либослар дизайни” соҳаси таълимининг йўлга қўйилиши мамлакатимиздаги либос моделлаштириш тизимини янги даврига асос солганини таъкидлаш лозим.

1999-2005 йилларда юртимизнинг либос дизайни соҳасида ўзига хос салмоқли ютуқлар қўлга киритила бошланди. Бу жараёнларга ўз таъсирини ўтказган эътиборли воқеълик сифатида юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Бадий академияси негизида ташкил этилган Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институтида “Либос дизайни” йўналиши бўйича ўқув жараёнларини йўлга қўйилишини таъкидлаш жоиз. Айнан мазкур институт битирувчилари ҳозирги кунда Ўзбекистон мода соҳаси ривожига муҳим ўрин тутаётган ва юртимиз ҳамда жаҳон микёсида ўз мухлисларига эга бўлган дизайнерлар З.Султон, Д.Қосимова, С.Амир, А.Агзамова, К.Рустамова сингари маҳоратли ижодкорлар етишиб чиқишида муҳим ўринга эга бўлган.

2000-йиллар Ўзбекистон модасидаги амалий жараёнларни таҳлил қилар эканмиз, мазкур йилларда Тошкент шаҳрида ташкил этилган “Осиё рамзи - 2000” I – Халқаро либос фестивалининг бу жараёнлар ривожига нечоғлик катта аҳамият касб этганлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Фестивалда Ўзбекистон ва Қозоғистонлик кўплаб мутахассислар - А.Варкова - Ўзбекистон Бадий академияси “Либос” эстетик маркази дизайнери, Н.Петророва, Ўзбекистон Тадбиркор аёллар уюшмасининг “Зумрад” Маданият маркази либос бўйича рассоми Л.Бобоева, Тошкент шаҳридаги “Наврўз” дизайн-студияси дизайнери Т.Булова, О.Дятчина, Л.Полвонова, М.Обиджоновалар этно либос элементлари асосидаги замонга хос тўпламлари билан иштирок этганлар. Шунингдек, фестивал доирасида либос тўпламлари билан М.Қўзиёева, Зарафшон шаҳридаги “Агама” либослар маркази дизайнери А.Сирбаева, Зарафшон шаҳридаги “Агама – 104” трикотаж корхонаси мутахассиси И.Сайтхўжинова, Олмота шаҳридаги “Андрес” модалар салони дизайнерлари А.Алтибасарова, Ш.Беркелиевалар фаол иштирок этганлар. Эътиборлиси, ушбу мода фестивалининг қатнашчилари орасида ҳозирги кун мамлакатимиз мода соҳасидаги амалий жараёнларда фаол иштирок этаётган Лола Сайфи, Дина Сайфи ҳамда Хилола Турсунназароваларнинг бири бирини такрорламайдиган миллий анъаналар ва замонавий тенденциялар уйғунлашган либос тўпламларини келтириб ўтиш мумкин.

Мазкур йилларда яна кўплаб ёш ҳамда маҳоратли дизайнерлар “Осиё рамзи” дизайнерлар ассоциацияси томонидан ташкил этилган “Миллий либослар фестивали”, “Бойсун баҳори”, “Хон-Атлас”, “Болажонлар ва ширинтойлар” ва яна кўплаб мода

намойишлари доирасида ўз либос коллекцияларини ихлосмандлар эътиборига ҳавола қилиб келганлар.

Мода соҳаси доирасида юртимизда олиб борилган амалий жараёнлар 2005 йилда мамлакатимизда илк бор ташкил этилган “Мода ҳафталиги” доирасида ўзининг юртимизда мазкур соҳадаги ютуқ ва камчиликларини таҳлил қила олишига имкон яратиб берди. Хусусан, ушбу йиллар давомида ўтказилган мода ҳафталикларида Австрия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Латвия, Россия, Франция, Швейцария, Япония ва бошқа кўплаб мамлакатлардан мода соҳасида фаолият олиб бораётган таниқли дизайнерлар, машҳур заргарлик ва замонавий мода уйлари раҳбарлари, мода журналлари муҳаррирлари ташриф буюрганлар. В.Юдашкин, Ю.Зайцев, А.Ахмадулина, Ю.Далакян, И.Чапурин, Н.Сурикабе, С.Варма каби жаҳон мода саноатида кўзга кўринган дизайнерлар ва “Max Mara”, “Balenciaga”, “Armani”, “SiSi Wasabi”, “Wolford”, “DSQUARED2”, “Revillon”, “Guy Laroche” таниқли мода уйлари либослар коллекциялари билан тақдимот ва намойишларда қатнашганлар.

Иккинчи босқич 2010-2019 йиллар. 2010 – йилларда мамлакатимизда ўз йўналиши ва услубига эга бўлган ҳар бир янги мавсум учун ўзининг шахсий либос коллекцияларини тақдим этувчи маҳоратли дизайнерлар авлоди шаклланди. С.Амир, Д.Томилин, Д.Отабоев, М.Умарова, Д.Қосимова, З.Султон, М.Асқарова, М.Махмудова, А.Дробышев, Клара ва Рухшона Умароваларнинг Klara&Rukha бренди, Е.Мильбергер, Ф.Хайдарова, Я.Вахитова, З.Каримова сингари дизайнерлар мазкур йиллар давомида нафақат юртимиз балки, жаҳон миқёсида ўтказилган либос намойишларида ўз коллекциялари билан иштирок этганлар.

Мазкур даврларда фаолият олиб борган “Услублар уйи”нинг либослар намойишлари доирасида ёш дизайнерлар ўзларининг турли услуб ва техникалар асосида яратилган креатив либос тўпламларини намойиш этганлар.

Муниса Асқарова ушбу даврлар мамлакатимиз мода соҳасининг ёш ва умидли дизайнерлари қаторида - табиий матолардан, босиқ рангларда яратилган “перт-а-порте” либослар тўпламларини ихлосмандлар эътиборига ҳавола этган. М.Асқарованинг либос тўпламларининг ўзига хос жиҳати уларнинг либос, аксессуар ва бош кийимларнинг яхлит концептуал ғоя асосида шакллантира олинганлигида кўзга ташланади.

Артем Дробышев номи мазкур йилларда юртимизда “муваффақиятли мода бренди” сифатида эътироф этилган. Дизайнернинг санъат мактабида олган билимлари, кейинчалик унинг К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти “Либос дизайни” кафедрасидаги талабалик йилларида ўзига хос ижодий-креатив дастхатига эга бўлишига замин яратган. Ушбу йиллар давомида А.Дробышев “Услублар уйи” томонидан ташкил этилган мода намойишларида мунтазам иштирок этган. Аҳамиятлиси, дизайнер мода намойишларида нафақат либослар дизайнери балки, либосларга мос “make-up” ва соч турмакларини профессионал даражада бажарувчи “fashion” стилист сифатида ҳам танилган. Унинг мода намойишлари учун тайёрлаган либос тўпламлари эклектика, историзм, ретро услубларининг қоришмасини акс эттиради. Асосийси, ушбу либослар учун танланган матоларнинг кенг ассортименти ва либослардаги конструктив бичимларнинг мураккаб ва хилма – хиллиги А.Дробышев тўпламларининг ДНКси сифатида эътироф этиш мумкин.

Қайд этиш лозимки, ушбу йиллар давомида Тошкент шаҳрида ташкил этилган либос намойишларига мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ёш ва маҳоратли дизайнерлар жалб этилган. Хусусан, Бухоро вилоятида фаолият олиб борган дизайнер Мухаррам Махмудова ўзининг икат ва беқасам нусхадаги атлас матосидан тайёрланган либос тўплами [4, 35 б.]

билан 2012 йилда “Услуглар уйи”нинг баҳор-ёз мавсуми учун ташкил этилган намоишида иштирок этган.

2010-йиллар Ўзбекистон модасида маҳоратли дизайнер Елена Мильбергер либос тўпламлари ўзига хос ўринга эга. Ушбу мутахассис ижодининг ДНКси батик техникасига асосланган [4, 34 б.]. Батик техникаси Е.Мильбергер талқинида либосларда акс этган ўзбек миллий сўзаналарининг нақшинкор безаги, миллий меъморчилик обидаларида мавжуд бўлган ислимий нақшларининг композицияси, икат матолари нусхаларининг нафис рангларда яратилган намуналарида ўз ифодасини топган. Ушбу техника асосида яратилган матоларимиз этно элементларини намоён этишига қарамасдан, либосларнинг умумий шакл ифодалилиги замонавий мода услубларини яққол акс эттиради. Мазкур жиҳатлар дизайнернинг газламаларнинг индивидуал намуналарини яратиш, ноодатий-мураккаб конструктив бичимлар ҳосил қилиш, замонавий мода услубларини либос тўпламларида қўллаш ва ниҳоят таъкидлаб ўтилган жараёнлар асосида яхлит либос тўпламини шакллантириш малакасига эга бўлган тажрибали мутахассис сифатида таърифлашимизга асос бўлади.

Клара ва Рухшона Умароваларнинг “Klara&Rukha” бренди асримизнинг аввалги 10-йилликларида асос солинган бўлсада, уларнинг фаолияти бугунги кунга қадар муваффақиятли давом этиб келмоқда. Ушбу мода бренди фаолиятининг илк даврларида опа сингил Умаровалар томонидан миллий либос элементларидан холи бўлган замонавий тенденциялардаги либос тўпламлари яратилган. Кейинчалик ушбу бренд ижодининг ДНКсида улар туғилиб ўсган замин - Самарқанд либосларининг элементлари асосий ўринга эга бўла бошлаган. Ҳозирги кунда ушбу брендининг либослари нафақат миллий анъаналар асосида яратилган тугалланган ансамбллар, балки, замонавий трендларга хос бўлган классик ва романтик услубдаги либослардан ташкил топишини кузатиш мумкин.

Маҳоратли дизайнер Ясмин Вохитова ҳам 2010-йилларда “Услуглар уйи”нинг эътиборли мутахассисларидан бир бўлган. Я.Вохитова ижодида оқшом либосларининг мини ва макси узунликдаги, мураккаб декоратив безак берилган намуналарини кузатиш мумкин. Хусусан, ушбу либосларда фойдаланилган эксельсиор матосига технологик ишлов бериш мураккаб эканлигига қарамасдан, либосларда уларга юқори даражада технологик ишлов берилган. Бу жиҳат дизайнернинг нафақат тажрибали либос дизайнери бали, малакали технолог бўлганлигини қайд этишимизга асос бўлади.

Мазкур йилларда дизайнерлар “Осиё рамзи” дизайнерлар ассоциацияси томонидан мунтазам равишда ўтказиладиган “Миллий либослар фестивали”, “Бойсун баҳори”, “Атлас байрами”, “Болажонлар ва ширинтойлар” ва “Услуглар уйи”нинг “Услуглар уйи дефилеси”, “Undeground” сингари мода намоишлари доирасида коллекциялар тақдим этганлар.

Учинчи босқич 2020-йилдан ҳозирги кунга қадар. Ушбу йиллар давомида юртимиз дизайнерлари ўзларининг брендлари остида коллекциялар яратиб шахсий либос намоишларини ташкил этишга катта аҳамият қарата бошладилар. “Lali”, “Dildora Kasimova”, “Anor”, “Hilola Sher”, “Moel Bosh”, “Z.Sulton”, “Tais&I”, “Lisa Manner”, “Kanishka”, “Black quail” мода брендлари 2020-йиллар давомида мамлакатимизда етакчи бўлган брендлар сифатида эътироф этилганлар [5]. Эътиборлиси, улар томонидан замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш орқали ихлосмандлар аудиториясини кенгайтириш фаолиятлари юқори даражада бўлган. Бу жараёнда шахсий бренд сифатида танланган ноъанавий фирма белгиси, турли хил услубларда безатилган интерьерларга эга шахсий “show room”ларни ташкил этилиши, шахсий мода намоишлари ва глобал тармоқ орқали олиб борилган ташвиқот ва тарғибот фаолиятлари шулар жумласига киради.

Тадқиқот доирасида ўрганилган ўзбек модасининг 2020-йилдан шу кунга қадар бўлган қисқа даври мобайнидаги “от кутюр” ва “прет-а-порте” йўналишлари амалий жараёнлари таҳлили унинг бугунги кунда жаҳон мода саноатида актуал бўлган тенденциялар асосида фаолият олиб бораётганлиги ҳақидаги хулосалар шакллантирилишига асос бўлиб хизмат қилди:

XXI асрнинг илк йилларида жаҳон мода саноатининг асосий тенденциялардан бўлган “брендга содиқлик” тенденцияси бугунги кун модасида ҳам ўз актуаллигини намоён этмоқда. (“Бренд” ибораси маҳсулот белгиси сифатида ҳам тавсифланади, аммо ҳар бир савдо белгиси “бренд” сифатида эътироф этилмайди. “Бренд” тавсифи фақатгина ритейлда (бозор) катта муваффақият ва таъсирга эришган “тарғиб қилинган” брендга нисбатан қўлланилади. Харидор “бренд” (маркали) маҳсулотни сотиб олаётганда, у биринчи навбатда ном учун ҳақ тўлаётганини тушунади.) [6] Бугунги кунда “брендга содиқлик” тенденцияси мамлакатимиз мода соҳасининг нафақат “от-кутюр” балки, “прет-а-порте” либосларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий брендлар сотув стратегияларининг асосий йўналишига айланиб бормоқда.

Хусусан, “Azukar Moreno”, “Lali”, “Dildora Kasimova”, “Saadi”, “Madina Kasimbayeva”, “Anor”, “Iroda AgzamHoja” сингари етакчи брендлар либос тўпламлари улар томонидан “Бренд юзи” (бренд амбассадори) сифатида танлаб олинган сиёсат, иқтисодиёт ва маданият соҳаларининг таниқли шахслари орқали тарғиб қилинмоқда. Шу билан бир қаторда, мазкур мода уйлариининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида хорижий давлатларнинг юксак мартабали шахслари, маҳаллий шоу бизнес вакиллари, жамоат арбобларининг бренд либосларида тушган фото суратлари ва видео материаллар эълон қилинмоқда. Глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситаларининг ривож жамият аъзолари кийиниш маданиятига таниқли шахслар ва мода инфюенсерлари кийиниш услубларининг оммавий таъсир кўрсатишига хизмат қилаётганлиги, номлари санаб ўтилган мода уйлари мақсадли аудиторияларининг бренд маҳсулотларига содиқлигини кучайтиришда ўзига хос ўринга эга бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда жаҳоннинг етакчи мода уйлари дизайнерлари бир вақтнинг ўзида маҳаллий урф-одатларни ҳисобга олган ҳолда, жаҳон трендларини ўз ифода усулларига татбиқ этиб келмоқдалар. Масалан, “этно” йўналиши элементларини замонавий либосларда қўллаш, ёки Шарқ ва Ғарб модасини уйғунлаштириш каби тенденциялар дизайнерлар учун илҳом манбаига айланмоқда. Мазкур жараён мамлакатимиз модаси амалиётида кун сайин аҳамиятли ўрнига эга бўлиб, дизайнерлар ижодий фаолияти, ҳамда маҳаллий мода брендлари маҳсулотларида ўзининг амалий тасдиғини топиб келмоқда. Бу жараёнда мазкур тенденциянинг ўзига хослиги либос ва аксессуарларни қўл меҳнати асосида ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган фаолиятлари билан аҳамиятли ҳисобланмоқда.

ХУЛОСА

Мустақиллик йиллари ўзбек модасининг асоси миллий ҳунармандчиликни ўз ичига олган амалий фаолиятлар доирасини қамраб олади. Яъни, маҳаллий мода соҳасининг “от-кутюр” йўналиши ўзида ўзбек халқининг либос ва аксессуарлар яратишдаги бой тарихий тажрибасини замонавий талқинда қайта шакллантирилишига асосланади: “Ўзбекистонда мода саноати квант ўсишларда ривож топмоқда. Нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам этник мотивларимизга талаб ва қизиқиш катта. Бугунги кунда масс-маркетга чиқиш имконияти ва ижтимоий тармоқлар туфайли Ўзбекистондаги кийиниш услуби дунёдаги каби бир хил. Бизнинг ўзига хос хусусиятимиз шундаки, биз этник келиб чиқишдан фойдаланамиз. Бизнинг дизайнерларимиз ҳар жиҳатдан илғор. Мен нафақат дунё мода саноати талабларига мувофиқ келувчи, балки глобал тенденцияларда ажралиб турадиган

маҳаллий брендлар маҳсулотларини кийишни ёқтираман. Бизда энг яхши матолар, услублар ва ҳунармандлар мавжуд. Бу бизнинг дизайнерларимиз жаҳон истеъмолчилари томонидан эътироф этилишида ўз ифодасини топмоқда” [7].

Бу борада мамлакатимизнинг таниқли мода инфлюенсерларидан бири – Бехруз Хомидовнинг фикрлари қуйидагича: “Ўзбекистондаги мода услуги ўзбек маданиятининг анъанавий элементлари билан замонавий мода йўналишлари аралашмасини акс эттиради. Ўзбекистондаги кўплаб дизайнерлар миллий нақш ва безакларнинг бой меросидан илҳомланиб, улардан кийим-кечак, аксессуарлар ва тўқимачилик буюмлари дизайнида фойдаланишмоқда” [8].

Хусусан, мазкур жараён “Nadi_uz”, “Beqassam”, “Azukar Moreno”, “Lali”, “Dildora Kasimova”, “Saadi”, “Madina Kasimbayeva”, “Anor”, “Iroda AgzamHoja” каби таниқли мода уйлари амалий фаолиятларининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Foydalangan adabiyot ro`yxati:

1. <https://cyberleninka.ru>. Демина Т. Индустрия моды как самостоятельный сектор экономики. – с. 13.
2. <ru.m.wikipedia.org>. Определение слово “дизайн”.
3. cyberleninka.ru. Кадиева Н.В. Особенности профессиональной подготовки дизайнеров костюма в условиях современного высшего профессионального образования. Вестник ТГПУ (TSPU Bulletin). 2015. – с. 102
4. Амир С. Sweet Fashion Show. Показ Дом стиля весна-лето 2012// Bella Terra/ – Т.: “Zamin press”, - с. 35..
5. Чурсина В.А. Мода Узбекистана: вчера и сегодня. /Альбом-каталог/. – Т.: “Санъат”, 2020. – с. 128.
6. Гулиев Р. Брендомания. <https://regionplus.az/>
7. Бехруз Хомидов. Узбекский стиль. Основатели популярных брендов и fashion-инфлюенсеры о модных трендах. https://dzen.ru/a/Zk1E3IeaFzkPBtaq?utm_referrer=www.google.com&is_autologin_ua=true.
8. Узбекский стиль. Основатели популярных брендов и fashion-инфлюенсеры о модных трендах. (Нодира Абдурахманова, город — Ташкент, этнический fashion-инфлюенсер, основатель бренда nadi_uz/Items, @nadi_uz) https://dzen.ru/a/Zk1E3IeaFzkPBtaq?utm_referrer=www.google.com&is_autologin_ua=true. <https://www.instagram.com/lali/>
9. Xaitova , Z. ., & Yoqubova , G. . (2025). Zamonaviy dunyoda an'anaviy go'zallik. Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования, 4(18), 142–148. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/zdif/article/view/58096>
10. F.S. Abdullayeva, S.D. Nishanova, A.Z. Rashidov, M.A. Zaripova. Factors influencing the formation of clothes as a component of ethnic culture in the territory between two rivers in central Asia// Elementary Education Online 19 (4), 832-836
11. Xaitova, Z. P, & Abduxaliqova, D.
12. (2025). Libos dizayni sohasiga yangi pedagogik yondashuv va ijodiy tarbiya masalalari. //San'at va dizayn: ijtimoiy fanlar, 5(04), 8-10. <https://www.social-science-analysis.uz/index.php/ssa/article/view/186>.
13. <https://www.instagram.com/dildorakasimova/>

14. <https://www.instagram.com/saadicuture/>
15. <https://www.instagram.com/suzanikasimbayeva/>
16. <https://www.instagram.com/anoratelier/>
17. <https://www.instagram.com/irodaagzamhoja/>
18. <https://www.instagram.com/azukarmoreno/>
19. <https://www.instagram.com/bexruzwithin/>